

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2025 йил сентябрь ойининг 23 кунини жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман суди судьяси Б.Сайлиевнинг раислигида судья ёрдамчиси Х.Мурташованинг котиблигида, давлат айбловчи Бўстонлиқ туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Тўхтасинов, судланувчи У.Мирзахматов ва унинг ҳимоячиси - "ADOLAT MUDOFASI" адвокатлик бюроси адвокати Х.Измублаев, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Д.Аширбоевнинг иштирокида, Мирзахматов Улуғбек Эркинбек ўғлига оид 1-1106-2501/265-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра:

Мирзахматов Улуғбек Эркинбек ўғли (MIRZAXMATOV ULUG'BEK ERKINBEK O'G'LI), 25.12.1995 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

- Самарқанд Ҳарбий судининг 2023 йил 27 апрелдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган;

- жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 12.08.2025 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан ЖКнинг 62-моддасига асосан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 5 (беш) ой 1 (бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Боймирзаев МФЙ, Янгиланиш кўчаси, 4-уйда истиқомат қилади, 2025 йил 2 февраль куни ЖПКнинг 224-моддаси тартибида, 2025 йил 2 февраль куни ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланган, иш бўйича "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг "б,г" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Мирзахматов 2024 йил 21 сентябр куни Д.Аширбоевга уни Бўстонлиқ тумани Чимган МФЙда жойлашган дам олиш масканида қоровул бўлиб ишга олиб кириб қўйишини, бунинг учун унга тегишли

бўлган махсус кийимлар лозимлигини, шу сабабли барча кийим-кечаклар тиктириб тайёрлаб беришини айтиб, ундан жами бўлиб 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

“Norma.uz” интернет сайтидан олинган маълумотга асосан 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 20.09.2024 йил 12.724,84 сўмни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунга кўра, жабрланган Д.Аширбоевга жами 2.544.968 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Бундан ташқари У.Мирзахматов такроран 2024 йил 23 сентябрь куни Д.Аширбоевнинг номига ТВС банк мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 3.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олиб, ушбу пулларни амакиси Э.Хайитметовнинг номидаги “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “UZKARD” карта рақамига ташлаб олишга эришиб, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, У.Мирзахматов такроран 2024 йил 23 сентябрь куни Д.Аширбоевнинг номига “АНОРБАНК” мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 2.400.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олиб, ушбу пулларни ўзининг амакиси Э.Хайитметов номидаги “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “Uzkard” карта рақамига ташлаб олишга эришиб, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, У.Мирзахматов такроран 2024 йил 23 сентябрь куни Д.Аширбоевнинг номига “АНОРБАНК” мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 2.700.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олиб, ушбу пулларни амакиси Э.Хайитметов номидаги “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “Uzkard” карта рақамига ташлаб олишга эришиб, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, У.Мирзахматов такроран 2024 йил 23 сентябрь куни Д.Аширбоевнинг номига “АНОРБАНК” мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 8.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олиб, ушбу пулларни амакиси Э.Хайитметов номидаги “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “Uzkard” карта рақамига ташлаб олишга эришиб, ушбу пулларни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Мирзахматов айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, у аввалдан Д.Аширбоевни танишини, у билан бир коллежда курсдош сифатида ўқиганлигини, 2024 йил 21 сентябрь куни Д.Аширбоевга уни Бўстонлик тумани Чимган МФЙда жойлашган дам олиш масканида қоровул бўлиб ишга олиб кириб қўйишини, бунинг учун унга тегишли бўлган махсус кийимлар лозимлигини, барча кийим-кечаклар тиктириб тайёрлаб беришини айтганлигини ва ундан жами бўлиб 200 АҚШ доллари

миқдоридаги пулларни олиб, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, бундан ташқари, 2024 йил 23 сентябрь куни Д.Аширбоевнинг номига ТВС банк мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 3.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олишни сўраганлигини, у аввалига рози бўлмаганлигини, кейин унга кредит пулларини ўзи тўлиқ айтиб, уни ишонтирганлигини, ушбу пулларни Д.Аширбоевнинг номига расмийлаштириб олганлигини, кейин амакиси Э.Хайитметовнинг номига “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “UZKARD” карта рақамига ташлаб олганлигини, шу куни яна унга билдирмасдан “АНОРБАНК” мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 2.400.000 сўм, 2.700.000 сўм, 8.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олганлигини, ушбу пулларни ўзининг амакиси Э.Хайитметов номидаги “Хамкорбанк”га тегишли бўлган 8600 0333 3310 4193 “Uzkard” карта рақамига ташлаб олганлигини ва ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, Д.Аширбоев кейин билиб қолганлигини ва унга кредит пулларини қайтаришини бир неча маротаба айтганлигини, уни алдаб келганлигини, ҳозирги кунда етказилган зарарлар унинг оила аъзолари томонидан тўлиқ қопланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, суддан унга нисбатан енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи-фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган Д.Аширбоев ўз кўрсатувида, у аввалдан У.Мирзахматовни танишини, у билан бир коллежда курсдош сифатида ўқиганлигини, 2024 йил 21 сентябрь куни У.Мирзахматов унга Бўстонлик тумани Чимган МФЙда жойлашган дам олиш масканида қоровул бўлиб ишга олиб кириб қўйишини, бунинг учун унга тегишли бўлган махсус кийимлар лозимлигини, барча кийим-кечаклар тиктириб тайёрлаб беришини айтганлигини ва ундан 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олганлигини, кейин 2024 йил 23 сентябрь куни У.Мирзахматов унинг телефонидан номига ТВС банк мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 3.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини расмийлаштириб олишни сўраганлигини, у аввалига рози бўлмаганлигини, кейин унга кредит пулларини ўзи тўлиқ айтиб, уни ишонтирганлигини, ушбу пулларни унинг номига расмийлаштириб олганлигини, шу куни яна унга билдирмасдан “АНОРБАНК” мобил иловаси орқали 3 йиллик муддатга 2.400.000 сўм, 2.700.000 сўм, 8.500.000 сўм миқдорида кредит маблағларини ҳам расмийлаштириб олганлигини, У.Мирзахматовнинг унинг номига “АНОРБАНК” дан олган кредит пулларини кейин билганлигини, унга бир неча маротаба айтганлигини, У.Мирзахматов уни алдаб келганлигини, ҳозирги кунда кредитнинг фоизларини ўзи тўлаб келаётганлигини, унинг оила аъзолари томонидан 13.700.000 сўм зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, судланувчига нисбатан енгил жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси, ҳимоячининг хулосаларини, судланувчи ва жабрланувчи-фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишидаги мавжуд далилларни таҳлил қилиб, судланувчи У.Мирзахматов айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг айби, ариза, тушунтириш хатлари, олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси, ДВД дискни кўздан кечириш ва стенограммасини тузиш ҳақидаги баённомалар, нарсани ашёвий ҳолатда деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб қарор қилади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Мирзахматовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б,г” бандлари, фирибгарлик, яъни такроран ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш аломати билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи У.Мирзахматовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган асосий зарар бартараф қилинганлиги ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этгани ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

21-моддасида, Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи У.Мирзахматовга жазо тайинлашда жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ҳолатга индивидуал тарзда ёндошиб, юқоридаги конституциявий ҳамда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят оқибатида етказилган зарар қоплангани, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди деган талабларидан келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б,г” банди санкциясида назарда

тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 53-бандида, жиноятлар мажмуи учун ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми бундан жазо тайинланганда, узил-кесил жазо, қоида тариқасида, ЖКнинг 59-моддаси 1-қисмида белгиланган тартиб ва миқдорда тайинланиб, биринчи бўйича тайинланган жазодан кам бўлиши мумкин эмаслиги, суддаги ҳолларда биринчи ҳукм бўйича тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан эмас, балки унинг тўлиқ миқдоридан келиб чиқиш шартлигига эътибор қаратилиши ҳақида;

55-бандида, ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўпроқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунга кўра суд, У.Мирзахматовга ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми тартибида жиноятлар мажмуи бўйича, ушбу ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 12.08.2025 йилдаги ҳукмига кўра, тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, томонларга мазкур иш юзасидан бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини тушунтиришни;

- иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD дискни жиноят иши билан бирга қўшиб сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457,460,462,463,465-468,471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Мирзахматов Улуғбек Эркинбек ўғли (MIRZAXMATOV ULUG`BEK ERKINBEK O`G`LI) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга нисбатан шу модда билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 12.08.2025 йилдаги ҳукмига кўра, тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасига асосан У.Мирзахматовнинг 2025 йил 2 февралдан 2025 йил 23 сентябрга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунни ахлоқ тузаги ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб ўташ учун узил кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузаги ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо муддати ҳукм ижросига тилиб, корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган жазо ижросини таъминлаш ва назорат қилиш Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

У.Мирзахматовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи Д.Аширбоевга жиноят оқибатида етказилган асосий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Томонларга мазкур иш юзасидан бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилсин.

Мазкур жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози томон Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи-фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кунлардан бошлаб шу муддатда жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман суди орқали Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эса кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:
“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Б.Сайлиев